

“TASDIQLAYMAN”
O‘zbekiston Respublikasi
Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni
rivojlantirish agentligi
tanlov komissiyasi raisi



B. Karimov

O‘zbekiston Respublikasi Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligida
Call-markaz konsalting xizmati (Ishonch telefoni) uchun xarid komissiyasi majlisining

1-son BAYONNOMASI

Toshkent sh.

2022 yil 25 may

Raislik qiluvchi:

B.Karimov – Direktorning birinchi o‘rinbosari, komissiya raisi

Majlisda ishtirok etgan komissiya a‘zolari:

G‘.Israilov – Direktor o‘rinbosari, komissiya raisi o‘rinbosari

H.O‘rozmetov – Axborot texnologiyalari bo‘limi boshlig‘i

J.Raximov – Moliyalashtirish va buxgalteriya hisobi bo‘limi boshlig‘i

X. Daminova – Yuridik byuro boshlig‘i

Z.Farmanova – Moliyalashtirish va buxgalteriya hisobi bo‘limi bosh mutaxassisi

S. Jumaev – Axborot texnologiyalari bo‘limi bosh mutaxassisi

KUN TARTIBI:

O‘zbekiston Respublikasi Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligining Call-
markaz xizmati (Ishonch telefoni)ni ishga tushirish.

(B.Karimov, G‘.Israilov, H.O‘rozmetov, J.Raximov, X. Daminova, Z.Farmanova, S.Jumaev, B.Karimov)

Kun tartibiga qo‘yilgan masala yuzasidan komissiya a‘zosi - Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligining birinchi o‘rinbosari (B.Karimov) so‘zga chiqib, O‘zbekiston Respublikasi Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligining agentligining Call-markaz xizmati (Ishonch telefoni)ni ishga tushirish kerakligini ta’kidlab o‘tib, Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligining www.etenter.uzex.uz portalida 86474-sonli lot raqami berilganligi ma’lum qildi. Taqdim etilgan ikkita korxonalar bilan komissiya a‘zolari atroflicha tanishtirib chiqildi.

Agentlikning Bosh yuridik bo'limi boshlig'i - tanlov komissiyasi a'zosi X.Daminova O'RQ-684 - sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunning talablariga qat'iy rioya qilish bo'yicha hamda byudjet va byudjetdan tashqari mablag'larni maqsadli tarzda foydalanishlari lozimligi to'g'risida tushuntirish berib o'tdi.

Xarid komissiyasi azolarida mazkur 86474-sonli lot ishtirokchilari bilan affillanganlik xususiyatiga ega aloqalar mavjud emas.

O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunining (O'RQ-684-son, 22.04.2021y.) 23-moddasiga ko'ra, ishtirokchi va uning affillangan shaxsi mazkur 86474-sonli lotda ishtirok etmayapti.

Muhokamaga qo'yilgan masala yuzasidan 3 (ikki) ish kuni davomida hech qanday takliflar kelib tushmadi va noroziliklar bildirilmadi.

Ma'lumotlar www.stat.uz sahifasi orqali tekshirildi.

Taklif etilayotgan narxlar quyidagicha belgilangan.

1. "CHAMBER BUSINESS SOLUTIONS UK" MCHJ taklifida umumiy narx 60 000 000,00 so'm ko'rsatilgan, QQS bn;

2. "OOO UNICODE" MCHJ taklifida umumiy narx 69 000 000,00 so'm ko'rsatilgan, QQS bn.

Komissiya a'zolarining xulosasiga ko'ra "CHAMBER BUSINESS SOLUTIONS UK" MCHJ korxonasi taklif qilgan narxlar va ko'rsatilgan hujjatlar eng yaxshi taklif deb topildi.

KOMISSIYA QAROR QILADI:

1. O'zbekiston Respublikasi Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligining Call-markaz xizmati (Ishonch telefoni)ni ishga tushirish bo'yicha "CHAMBER BUSINESS SOLUTIONS UK" MCHJ korxonasi taklifi bir ovozdan ma'qullansin.

2. "CHAMBER BUSINESS SOLUTIONS UK" MCHJ tanlov g'olibi deb topilsin va ushbu korxon bilan shartnoma imzolash maqsadga muvofiq deb belgilansin.

Ushbu bayonnoma ijrosi O'zbekiston Respublikasi Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligining birinchi o'rinbosari B.Karimov zimmasiga yuklatilsin.


Mas'ul kotib



B. Abduxamitov

Komissiya a'zolari:

G'.Israilov




X. Daminova



H.O'rozmetov



Z.Farmanova



J.Raximov



S. Jumaev



ШАРТНОМА № 1

(хизматлар кўрсатиши (шиларни бажариши) тўғрисида)

Тошкент ш.

27.05.2022 й.

«Chamber Business Solutions» УК (кейинги ўринларда – «Ижрочи») номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи корхона директори Кучкарова М.А. бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги номидан Шамсов (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Шамсов (кейинги ўринларда – Буюртмачи) иккинчи томондан кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар куйидагилар ҳақида шартнома (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартноманинг 1.2 – бандига асосан, Ижрочи “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўнгирокларига тезкор жавоб бериш хизмати” (кейинги ўринларда «Хизматлар» деб юритилади) кўрсатиш, Буюртмачи эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Хизматларнинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари куйидагича белгиланади:

Т/р	Хизмат тури	Нарх	Муддат
1	Агентликнинг “1246” қисқа рақамига соат 09:00-24:00 гача келиб тушаётган кўнгироклар, мурожаатлар, шикоятлар ва таклифларни қабул қилиш ва уларни nmt.chamber.uz портали орқали рўйхатга олиш.	60 000 000	27.05.2022- 27.07.2022
2	Кар ва соқовлардан @surdoijtimoiy_bot орқали келиб тушаётган аризалар бўйича мурожаатлар билан боғланиш, уларнинг мурожаатини қабул қилиш ва nmt.chamber.uz портали орқали рўйхатга олиш.		

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Ижрочидан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Ижрочидан мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган Хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш;

Зарур сифатга эга бўлмаган Хизматлар кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган Хизматлар шунга ўхшаш Хизматлар билан алмаштирилишини;

- Хизматларнинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар Буюртмачи ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган Хизматларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

Хизматларга мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган Хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Буюртмачидан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган Хизматларни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини Буюртмачидан талаб қилиш.

2.4. Ижрочи куйидагиларга мажбур:

Буюртмачига Хизматларни мазкур шартномага мувофиқ ёки Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

агар Хизматларни кўрсатиш жараёнида Ижрочи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюрмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин бартараф этиш.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда: 27.05.2022 йилдан 27.07.2022 йилгача **60 000 000** (олтмиш миллион сўм) сўмни ташкил этади.

Кўрсатиладиган Хизматларнинг баҳоси мазкур шартномага мувофиқ иловада кўрсатилган.

3.2. Буюртмачи шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Кўрсатилган Хизматлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган сумманинг 70 фоизи 5 кун муддатда ўтказиб берилади.

3.3. Кўрсатилган Хизматлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

4. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Кўрсатилган Хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган Хизматлари миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.5. Мазкур шартномада назарда тутилган Хизматлар етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Хизматларни кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган Хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва Хизматларни кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Кўрсатилган Хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Буюртмачи Ижрочига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муस्ताкил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. Шартноманинг амал қилиши

7.1. Мазкур шартнома Тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб амалга кирилади ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. Коррупцияга қарши шартлар

8.1. Мазкур шартлар Тарафлар, уларнинг аффилиланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очиқ ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралашуви хатарларини минималлаштиришга, шунингдек Тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

8.2. Тарафлар мазкур Шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмасликни таъминлаш мажбуриятини олади:

рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (окланмаган устунлик бериш, бирон-бир қафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва х.) таъминлаш мақсадида бошқа Тараф ишчиларига, пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва х.;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга ҳилоф ва гайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

8.3. Бир Тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда, бошқа Тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида Шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Тараф, Шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9. Яқиний қоидалар

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

9.4 Ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

Ижрочи :

«Chamber Business Solutions» УК



Тел: 78 150 6006

Кучжарова Малика

М.У.



Буюртмачи :

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги

Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 12А

Банк маълумотлари:

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

СТИР: 306 148 775

МФО: 00014

Банк номи: ЎзР Молия вазирлиги қазначилиги

Тел: (71) 241-06-70

Буюртмачи номидан:



А.И.Наков

А.И.Наков